SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 6-iyun • Seshanba • 65 (27.557) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# ЎЗБЕКИСТОН ЮТУҚЛАРИ МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

**Бельгияда нашр этиладиган ва Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида тарқатиладиган «Diplomatic News» журналида ўтган йили мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари ва жорий йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари муҳокама этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасига бағишланган «Марказий Осиёдаги модель» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унинг муаллифи Европа Иттифоқининг МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатларига ихтисослашган Европа халқаро муносабатлар институти эксперти Жефри Морскидир. Ушбу мақола таржимаси жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

«Ўтган йил мобайнида Ўзбекистон ҳукумати томонидан эришилган тараққиёт иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, саноатни диверсификациялаш ва кенгайтириш, маъмурий ва бозор ислоҳотларидаги муваффақиятлар билан изоҳланади. У хусусий сектор ривожини, хориж сармояси жалб этилишини рағбатлантирди, Марказий Осиёда ва ундан ташқарида ўтиш даври жамиятларини янада модернизациялаш, либераллаштириш ва ривожлантириш учун беназир имконият яратди.

Шу муносабат билан Италия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институтининг бош котиби Антонио Локе Ўзбекистон Хитой ва Ҳиндистон бошчилигидаги Осиё поездида олдинги сафда тезкорлик ва ишонч билан ҳаракатланаётган вагонлардан бирига ўхшайди», дея қайд этди.

Ўзбек иқтисодиётининг тузилмавий ўзгаришлари, иқтисодий либераллаштириш жараёнларининг кенгайтирилиши ва жадаллаштирилиши, хусусий секторнинг янада рағбатлантирилиши ҳамда маъмурий ва бюрократик тўсиқларга барҳам берилиши Президент Ислом Каримов ташаббускорлигидаги сиёсий ва институционал ислоҳотлар натижаси бўлди.

Лондондаги жаҳон иқтисодий жараёнларини таҳлил этишга ихтисослашган «Global Insight» тадқиқот маркази қуйидагиларни қайд этади:

Президент Ислом Каримовнинг маърузаси ҳақиқий маълумотларни ўзида ифода этади. «Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 7 фоиз, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар 11,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоиз, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 17,7 фоизга ўсгани ўтган йилда эришилган тассуротли ютуқлардир. Бозор ислоҳотлари, жамиятни модернизациялаш натижалари Ўзбекистон ҳукумати томонидан режалаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ келади.

Иқтисодий ислоҳотлар дастури, бой демографик ва табиий ресурслар, салмоқли саноат салоҳияти, ривожланган инфратузилма оқилона иқтисодий сиёсат билан ўзаро уйғунликда мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг муҳим воситаси бўлди. Бу омилларнинг барчаси яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига кирган Ўзбекистон учун нафақат Марказий Осиёда биринчи бўлиш, балки бу ташкилотда етакчи мавқени эгаллаш, минтақада барқарорликни сақлашда муҳим роль ўйнаш имкониятини ҳам беради».

**«Жаҳон» АА**






# ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Бухоро вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилувчи тиббиёт масканлари сони яна биттага кўпайди. Бухоро шаҳрининг Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида диагностика маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Саломатлик» жамғармаси 1 миллиард 430 миллион сўм маблағ сарфлади.

— Энди бухороликлар катта маблағ сарфлаб Тошкент ва Самарқандга ташхис қўйдириш учун бормайдилар, — дейди бош врач Шариф Ҳайитов. — 40 нафарга яқин олий маълумотли малакали шифокор ишлаётган масканимизда замонавий хориж ускуналари ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйилиб, даволанади. Бунинг устига хизмат кўрсатиш нархи арзон.

Дарвоқе, бу ердаги лабораторияда 100 га яқин таҳлиллар, электрокардиограмма хонасида 30 хил текширувлар амалга оширилмоқда. Бош мия, умуртқа поғонаси, суяклар тизими, ички органлар хасталикларига мукаммал ташхис қўядиган компьютер томографи ҳам яқин орада ишга тушади. Жанубий Кореянинг эса умумий қиймати 260 минг АҚШ долларига тенг бўлган офтольмология, урология, акушер-гинекология, неврология, томоқ, қулоқ ва бурун касалликлари бўйича аниқ ташхис қўядиган тиббиёт жиҳозлари ҳам ҳадемай ўрнатилади. Бу эса икки сменада 250-300 нафар беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** бир гуруҳ шифокорлар; Узи бўлими шифокори Шариф Ҳакимов ва шифокор Мирза Абдуллаевлар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

**Ўзбек шаҳарсозлиги**

# МЕҲНАТ, ИШОНЧ, ИФТИХОР

## бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган андижонликларнинг қалб сўзи, ҳаётий мақсадидир

Шу кунларда Андижонда бўлган киши улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталувчи кенг кўчанинг икки томонида кўкка бўйлашган, бири-биридан кўркам биноларни кўриб, кўзи қувнайди. Айни пайтда бу муҳташам иморатлар юртдошларимизнинг бунёдкорона меҳнати, тадбиркорлиги-ю заковати билан барпо бўлганидан кўнгил фахр-ифтихорга тўлади. Янги бозор расталарига туташ «Мумтоз» савдо мажмуаси замонавий меъморчилик услубида қурилган. Унинг давомидаги бинолар бутун бир ансамблни ташкил этади.

Бобур кўчасига туташ Конституция майдони бугун кўпчилик андижонликларнинг севимли гўшасига айланди. Бу ердаги улкан фаввора қуёш нурида жилоланиб, теварак-атрофга ўзгача чирой бахш этган.

— Шаҳар қурилиш бош режасига асосан айни пайтда шаҳримизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда, — дейди Андижон шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Қўчқорбек Норматов. — Бобур шоҳкўчаси энг узун кўча ҳисобланади. Ҳозиргача унинг уч километри тўлиқ қайта таъмирланди, эски уйлар ўрнида янги бино ва иншоотлар барпо этиляпти. Мустақиллик кўчасининг 1,5 километри ободонлаштирилди. Далварзин даҳасида Янги Далварзин кўчаси қурилиши бошланди. Бу эса шу ҳудудда яшовчи аҳолига кўпгина қулайликлар яратади.

2-бет



# ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан қатор масалалар ўрин олди.

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида қатор фармон ва қарорлари эълон қилинган эди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш мақсадида «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Ҳозир мазкур лойиҳа Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаяпти.

Фракция йиғилишида депутатлар дастлаб мазкур масалани муҳокама этдилар. Ушбу масала бўйича фракция аъзолари Анатолий Козлов, Улуғбек Вафоев, Илҳом Аҳмедовлар сўзга чиқдилар. Айтиш жоизки, юқоридаги қонуннинг асосий мақсади — тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иқтисодий соҳани эркинлаштиришнинг қонуний асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров тушунтириш берди.

Мазкур қўшимча мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида киритилмоқда. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар мониторинги тизими остига тушувчи материалларни олиб чиқиш устидан парламент назорати механизми аниқлаштирилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда фракция аъзолари Қонунчилик палатаси мажлисига иккинчи ўқишда киритилаётган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар. Депутатлар Фахриддин Ражабов ва Анвар Бойқуловлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича 20 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилган. Депутатлар ушбу таклифларни ҳам бирма-бир муҳокама этдилар. Палата ялпи мажлисида моддама-модда муҳокамалар жараёнида уларни ҳимоя қилишга келишиб олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎзХДП ҳаёти**

# ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Тахиатош шаҳар ҳокимлиги ва Амударё туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 117-Амударё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат Гулистон Аннақличеванинг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида яратилаётган ва муҳокамага киритилаётган қонунларнинг мукаммаллигини таъминлаш, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат таҳлил фаолиятини кучайтириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислоҳотлар жараёнини қонунларда акс эттириш каби масалаларда палата ва ЎзХДП фракцияси томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан батафсил тўхталди.

Шунингдек, учрашувда депутат сайловчилар томонидан берилган қатор саволларга жавоб берди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ДАВР РУҲИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН КИТОБ

## Андижон шаҳрида «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Бугунги Андижон» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган мазкур китобда Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, шу заминда истиқомат қилаётган меҳнаткаш инсонларнинг мустақиллик даврида амалга ошираётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маълумки, мамлакатимизнинг шарқий минтақасида жойлашган Андижон вилояти ўзининг мафтункор табиати, кўҳна тарихи, илғор маданияти, катта иқтисодий салоҳияти билан ажралиб туради. Олтин водийга қиёсланадиган ҳудудда истиқомат қилувчи вилоят аҳли Ватан равнақи, мамлакат тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилмоқда ва унинг самарасидан баҳраманд бўлмоқда.

Бугун азму шижоати юксак андижонликлар, бутун халқимиз каби, мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Вилоят пиллакорлари зиммаларидаги шартнома-мажбуриятни адо этиш арафасида турибди. Ғаллакорлар ўрим-йиғим ишларини бошлаб юборди. Пахтадан мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Байрамона руҳда кечган тақдимот маросимида вилоятда амалга оширилаётган ана шундай бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан Қўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов, Булоқбоши туманидаги «Маъмиржон ота» фермер хўжалиги раҳбари Тожибархон Қорақўзиева, «Андижанка» аёллар футбол-хоккей клуби бош мураббийи Мириман Ким, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ўктамжон Ҳайдаров, «ЎзДЭУавто» корхонаси пресслаш цехи оператори Аслиддин Сатторов ва бошқалар мазкур нашрнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Улар Андижон вилоятига бўлган алоҳида эътибор учун мамлакатимиз Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этиб, «Бугунги Андижон» китоби ҳар бир юртдошимиз қалбидан ва китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллашига ишонч билдирдилар.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

**С.ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

